Биография

Мавжуда Наримонова



Мавжуда Наримонова 1940 йилда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилди. Мактабни “аъло” баҳоларга битиргач, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига ўқишга кирди. 1962 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатди ва ўқитувчиликка тавсия этилди. 1964-67 йилларда аспирантурада ўқиди, 1971 йилда профессор Айюб Ғуломов раҳбарлигида “Ўзбек тилида сифатдошнинг синтактик хусусиятлари” мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

1990-94 йилларда “Табиий факультетларда ўзбек тили” кафедраси мудири лавозимида ишлади. Шу вақт мобайнида унинг ташаббуси билан биринчи марта ҳар бир гуруҳ учун (география, геология, кимё, физика, математика факультетлари) соҳага оид ўқув дастурлари ва қўлланмалар тайёрланди.

Асарлари:

1988 Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Ўқув қўлланма. Тошкент.

1995 Ўзбек тилидаги сифатдошнинг табиатига доир (ҳозирги ўзбек адабий тили материаллари асосида). ОПИ тингловчилари учун махсус курс дастури, ТошДУ

1997 Умумий тилшунослик курсидан дастур-программа. (Университетнинг бакалавриат босқичи учун), ТошДУ

2003 Ўзбек тили. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қўшма гап синтаксиси. Маърузалар матни. ЎзМУ

-ган ли сўз шаклининг табиати. Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. ЎзМУ

2004 Синтактик кўчишнинг бир тури ҳақида (феъл шакллари мисолида). Айюб Ғулом ва ўзбек тилшунослиги. Илмий мақолалар тўплами. ЎзМУ

2006 Ҳозирги ўзбек тилида феъл шакли қуршовли бирикмаларнинг ўтилиши. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари. Республика олий ўқув юртлараро илмий ишлар тўплами. Тошкент.

Феъл шаклларининг қўлланишидаги бир хусусиятлари ҳақида. Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. ЎзМУ.

Қўшма гапнинг бир тури ҳақида. Айюб Ғулом ва ўзбек тилшунослиги. Илмий мақолалар тўплами. ЎзМУ.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.